

НОН ҚАДРИ

Д.Юлдашева, ФарДУ доценти

Бобомнинг энг эркатои набираси Зарнигор. У билан куни бўйи андармон бўлади, кўчаларда айлангириб юради, ширинликлар билан сийлайди. Атак-чечак қилиб қолган қизалоқ бобосининг тиззасига ўтириб гоҳ яхтагидан, гоҳ дўпписидан тортқилайди. Нималарнидир чуғурлаб гапириб беради. Бир кун нима бўлди-ю, дахлизда Зарнигорнинг йиғлаб ўтирганини, бобомнинг эса икки букилиб нон ушоқларини тераётганларини кўрдим. Улар ҳадеб бошларини чайқаб, бир нарсадан қаттиқ хафа эдилар.

Орадан бир-икки кун ўтгач, ўтган воқеа ҳақида ўзлари сўз очдилар:

- Хор бўлган нарса, бир кун келиб зор қилади. Биз нон зор қилган кунларни кўп кўрдик. Бобом узоқ хаёлга чўмдилар. Қаҳатчилик йиллари эди. У пайтда юқори синфда ўқирдим. Очликдан шишиб кетган, кунжара еб ўлган кишиларни, оч-яланғоч, етим болаларни кўплаб учратардик. Ярим бурда нон одамлар тавдирини ҳал қилиб юборарди. Ёш. баёв, тиниб-тинчимас давримиз эмасми, куни билан ишлаб, тунлари буғдойзорда қўриқчилик қилардик.

Бир куни буғдойзор атрофида айланиб юрсам, қандайдир шитирлаш овози эшитилди, аста товуш чиққан томонга қараб юрдим. Ойдин кеча, ҳаммаёқ кафтдек кўринади. Ўзим турган жойдан нарида кимнингдир борлигини сездим.

- Буёққа чик, - деб ўдағайладим. Шарпа қимирламай ётарди. Гапим таҳсир қилдим, у мен томонга юра бошлади. Қаршимда очликдан қовоқлари осилиб тушган бир хотин турарди. Индамади.

- Кеча кенжамни тупроққа қўйдим, - деди базўр, - ўғилчамни аҳволи оғир. Бармоқлари орасида биргина бошоқни маҳкам тутиб турарди. У бу сўзларни жуда секин айтди, лекин қулоқларим остида негадир жаранглаб эшитилди. Ниҳоят, мунгли овозда:

- Шугина учун отсанг отиб ташлайвер, - қўлидагини менга узатди.

- Биратўла барчасидан қутиламан.- Аёл кўзларимга тик боқиб турарди.

Бошимга гурзи билан урилгандай бўлди. У Акрам ўқитувчининг беваси эканлигини, уйдан Машрабнинг асарлари чиққани учун қамалган, «халқ душмани» бўлган севимли устозимиз аёли эканини, учта боласи билан қирдаги ёлғиз қайрағочдай танҳо ўзи қолган, тенгсиз хўрликларга дош берган зиёли опа эканини яхши билардим...

Кейинчалик Украина ўрмонларида яшириниб юрганда, хуторларда бошпанасидан, ота-онасидан айрилган болакайларнинг «амаки, нон беринг, жон амаки нон беринг», дея ёлвораётганларида, 1944 йилда фронтга дея йиғилган дондан озгина улишини Найманча қишлоғи аҳолисига тарқатиб «халқ душмани» бўлиб қамалганимда мени кута-кута жон берган онажонимни эслаганимда, Акрам ўқитувчининг беваси, қабариб кетган кўлларида бир сиқимгина бошоқни тутиб тургани, ўша сўзлари бод-бод

қулоғим остида жаранглайди. Энди ўйласам нон қадри суяк сулгимгача ўрнашиб қолган экан. Бир бурда нон менинг хотирам, умр йўлимга айланган.

Худога шукур, тўкинчилик, фаровонликни ҳам кўрдим. Аммо ўша кунларни унутиб бўлармиди. Чети тишланган кулчаларнинг қанча-қанчаси уй тўрида осиганлигича қолди. Мен дўзах оловидан омон қайтдим. У кунларнинг тирик гувоҳи, хотираси бўлиб қайтдим. Бобом оғир тин олдилар. Кичкина қизалоқ Зарнигор эса бобосининг ҳолатини тушунгандай, нон ушоғини оғзига солди. Бобом мамнун жилмайиб қўйдилар. Нондай азиз бўлинглар, дея дуога қўл очдилар.